

Уламолар ташрифи намозхонларда катта таассурот қолдирди



21:40 / 13.07.2021 1471

Уламоларнинг Тошкент вилоятига ташрифи мўмин-мусулмонларга маънавий тухфа бўляпти. Айниқса, пешин намозидан сўнг қилинган маърузалар халқимиз маънавиятини юксалтириб, диний савиясини оширишга хизмат қиляпти.

Жумладан 13 июль куни Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани “Олмазор” жоме масжидига “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ ташриф буюриб, пешин намозидан сўнг жамоатга илмий суҳбатлар, долзарб мавзуларда мавъизалар қилиб бердилар.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов Чиноз туманидаги “Саидрахмон тўра”, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов “Янги Чиноз”, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов Оққўрғон туманидаги “Эрбўта қози”, Тошкент шаҳридаги “Исломобод” масжиди имом-хатиби Абдуллоҳ домла Йўлдошев Қуйи Чирчиқ туманидаги “Янги маҳалла” жоме масжидига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов Қуйи Чирчиқ

туманидаги “Дўстлик”, Тошкент шаҳридаги “Мирза Ғолиб” масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Султонхонов Оққўрғон туманидаги “Жувонмард”, Тошкент шаҳридаги “Абдуллоҳ ибн Ҳузофа” масжиди имоми Абдулатиф қори “Айри ота”, Тошкент шаҳридаги “Хасанхон қори” масжиди имом-хатиби Зикруллоҳ домла “Абу Бакр Сиддиқ” масжидларига ташриф буюриб, маърузалар қилиб беришди.

Шу куннинг ўзида Ислом цивилизацияси маркази масъул ходими Аброр Мухтор Али домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Чиноз тумани “Қози” маҳалласида бунёд этилаётган “Қози маҳалла” янги масжид қурилиши жараёнини кўздан кечиришди.

Уламолар уста-қурувчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Янги жоме ўз бағрига 4 минг намозхонни сиғдира олади.

Аллоҳнинг байти тез орада фойдаланишга топширилишини сўраб, хайрли дуолар қилинди.

Уламолар ташрифи, дилдан қилинган суҳбатлар савол-жавобларга уланиб, намозхонларда катта таассурот қолдирди.









